Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
17 июнь
ШАНБА
№ 49 (12997)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ УМИДИ

Мадина Ваҳобова бу йил коллежни битирди. Ўз бизнесим бўлса, деб ният қилиб юрган эди. "Яхши ният – ярим давлат", дейишади. Буни қарангки, бугун у тадбиркорлик сари илк қадамини қўйди. Тижорат банки томонидан унга 5 миллион сўм кредит бериладиган бўлди.

Ёшлар форуми

Бўстонлиқ туманидаги "Ҳўжакент" дам олиш оромгоҳида "Баркамол ёшлар – юрт келажаги" мавзуида ўтказилган форумда Мадина сингари ёшларга "Миллий банк" ва "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли кредит сертификатлари топширилди.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уюшмаган ёшларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагида бўлганларга банк кредитларини олишларига амалий ёрдам кўрсатишдир.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаровнинг айтишича, бугунги кунда ёшлар партия электоратининг 52,7 фоизини ташкил этади ҳамда уларнинг сони охирги беш йил ичида 44 мингга кўпайган.

Форум доирасида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида туманнинг 25 дан ортиқ корхона ва ташкилотлари 650 га яқин иш ўрни билан қатнашди. Туман савдо-саноат палатаси вакиллари томонидан ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга бизнес-режа тузиш, иш бошлашда нималарга эътибор бериш кераклиги каби масалалар тўғрисида тушунчалар берилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбек миллий академик драма театри актёр ва актрисалари ҳамда эл ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари барчага хушкайфият улашди.

Форумда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳунармандчилик

...Қибрай тумани "Ҳайдаробод" маҳалласидаги мўъжазгина устахона ҳунармандниг ижодий ишлари билан безатилган. Ёғоч ўймакорлиги асосида ясалган лавҳлар, лаганлар, шахмат тахтаси, стол-стуллар, пеналлар киши эътиборини тортади. Ҳар бир нақш бетакрорлиги, янгича услубда ишлангани, миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради.



– Ёғоч ўймакорлиги инсондан нозик дид, қунт ва сабот талаб этади, – дейди ҳунарманд Шерзод Амиржонов. – Чунки, битта мураккаб композицияли нақшни яратиш учун усталар баъзида йиллаб ишлашига тўғри келади. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган ёнғоқ дарахти мўътадил ҳароратда узоқ қуритилади. Бу ёғочга чиройли жило беришга, яратилган маҳсулотнинг узоқ йиллар сақланишига хизмат қилади.

Шерзод Амиржонов ёғоч ўймакорлиги касбини танлаб, кам бўлмади. Устози Жамшид Мирбобоевдан ҳунар сирларини ўрганиб, моҳир уста бўлиб етишди. Бундан ташқари, пойтахтдаги Абулқосим мадрасасида ҳам ўз тажрибасини оширди. Бугунги кунда унинг устахонасида "устоз-шогирд" анъанасига мувофиқ, 20 нафарга яқин ҳаваскор ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини қунт ва сабот билан ўрганмоқда. Уста ёшларга ўймакорлик усулларини тушунтирар экан, уларга, аввало, касбга меҳр қўйиш, уни шунчаки меҳнат, деб эмас, чин иштиёқ билан бажариш кераклигини, ана шундагина яратилган маҳсулот ҳақиқий асарга айланишини уқтиради. Кишининг пешона тери билан топган нонидан кўра мазалироқ нарса йўқ, дейди уста.

Устанинг қўл меҳнати билан яратилган санъат асарларига ўзимиздан ташқари, Қозоғистон, Тожикистонда ҳам талаб катта.

– Шундай вақтлар бўлардики, ишга берилиб кетганимдан тонг отганини пайқамай қолардим, – дейди ҳунарманд. – Санъат ўз-ўзидан бўлмайди, жуда катта меҳр-муҳаббат керак. Нақш бир ҳовуч чувалчанг кўринишида

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ САРИ ҚАДАМЛАР



Шу билан бирга, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Навоий давлат кончилик институтида махсус сиртқи бўлимларга ҳам абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 26 августдаги "Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент автомобиль-йўллар институти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти этиб қайта ташкил этилган.

Мазкур институт қабул комиссияси масъул котиби Анвар Назаровнинг айтишича, бу йил бакалавриатга етти йўналиш бўйича ҳужжат қабул қилинса, улардан қиймат инжиниринги, шаҳар йўллари ва кўчалари мутахассиси, транспорт логистикаси каби янги йўналишлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда абитуриентларни касбларга тўғри йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кенг ва равон йўллар, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берувчи кўприклар барпо этилмоқда, – дейди Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Азимжон Нурматов. – Замонавий транспорт иншоотлари одамларнинг оғирини енгил қилишга, иқтисодиёт ривожига хизмат қилмоқда. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишга оид касб мамлакатимиз тараққиёти учун жуда зарур мутахассисликка айланди. Шу соҳада пухта билим олишни орзу қиламан.

Абитуриентлар учун математика, физика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, хорижий тиллар бўйича консультатив машғулотлар жадвал асосида ташкил этилгани ёшлар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ташкил этилган қабул комиссияси ҳам ёшлар билан гавжум. Мамлакатимизда аграр соҳани жадал ривожлантириш, ер, сув ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш, бу борада илғор техника ва технологияларни жадал жорий этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётгани малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг янада ортишида асосий омил бўлмоқда.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Абдураҳим Бердиевнинг айтишича, бу йил бакалавриатнинг 25 таълим йўналиши бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Техника ва технологиялар техник экспертизаси ва маркетинги (қишлоқ ва сув хўжалигида), қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари техник сервиси, мелиоратив гидрогеология каби қатор янги йўналишлар жорий этилган.

– Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишига ҳужжат топширдим, – дейди андижонлик Баҳром Арзиев. – Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шароитлар яратилган. Буларнинг бари мавжуд имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланишни, тинимсиз ўқиб, изланишни талаб этмоқда.

Мазкур олий таълим даргоҳида ҳам ёшларга касб йўналишлари ҳақида тўлақонли маълумотлар бериш мақсадида турли баннер, плакатлар, инфокиосклар ўрнатилган. Бу ерда олий таълимга оид қонунчилик ҳужжатлари, қабул квоталари, абитуриентлар учун қўшимча маълумотлар эълонлар тахтасига қўйилган. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш компьютер техникаси билан таъминланган биноларда амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабул қилиш 15 июлгача давом этади.


Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

«Кумуш тола» етиштирган «олтин қўллар»

БЕКОБОД тумани пиллакорлари 3 минг 850 қути ипак қуртини парваришлаб, сифатли ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда ҳосилни топшириш қизғин давом этаётир.



Кунига қабул пунктига 10-12 тонна атрофида "кумуш тола" етказиб берилаётир. Масалан, "Икромжон Орзу Ишонч" фермер хўжалиги аъзолари 2 қути ипак қуртидан 117 кг., "Бобурбек Омад" фермер хўжалиги пиллакорлари эса 5 қутидан 310 кг. ҳосил топширишди.

"Лутфилла Карвон" фермер хўжалиги пиллакори Сайёра Эрматова, "Эркинжон-Қаюмжон агро" фермер хўжалиги аъзолари Тожинисо Муҳаммадиева ва Малоҳат Шоқадамова ҳар қутисидан 65-66 кг.дан пилла олиб, юқори ҳосилдорликка эришдилар.

"Bekobod kumush tola" шўъба корхонаси тоза ва сифатли ипак тола етказиб бериш юзасидан "Silver Silk" Ўзбекистон – Америка ва "Golden Silk" Ўзбекистон – Вьетнам қўшма корхоналари билан шартнома тузган. Бу эса пиллакорларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД.

Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга

ЗАНГИОТА туманидаги "Fazo-Luxe" юртимиздаги фармацевтика саноати корхоналари орасида ўз ўрнини мустаҳкамлашга интилаётган корхоналардан.

Айни пайтда бу ерда 26 турдаги дока, эластик бинт ва момиқ пахта каби тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, ички бозорда ишончли маҳсулотлари билан ўз мавқеини анча тутиб олган жамоа шу кунларда экспорт шартномалари асосида хориж бозорига чиқиш ҳаракатида.

Ўз мухбиримиз.

Инспекторларга муносиб шароит

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Оҳангарон туманида ҳам давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, профилактика инспекторларини хизмат уйлари ҳамда автомашина билан таъминлаш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда.

– Бу масала туманимиз ҳокимлиги ва бўлимимиз раҳбариятининг доимий диққат-марказида турибди, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Мақсуд Холматов. – Масалан, яқинда 2-кичик туман, 10-уйдаги 1-хонадон шу ҳудуд профилактика инспектори Адҳам Ҳамроевга хизмат тураржойи сифатида ажратилди. Бугунги кунда бу ерда таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Бундан ташқари, туман ҳокими томонидан бир қатор маҳаллалардан ҳудуд участка нозирларига тураржой қуриш учун 4 сотихдан ер ажратиб берилди.

Шунингдек, ҳозирча 26 нафар профилактика инспекторларини автомашиналар билан таъминлаш борасида тегишли тижорат банки билан шартномалар тузилмоқда.

Дилшода АННАЕВА.

❑ Учрашув

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Оиланинг соғлом ва интеллектуал ривожланиши – 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси сифатини оширишнинг муҳим шарти" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

АКАДЕМИК САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Фанлар академияси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари ҳамда тумандаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда сўз олган академик Саидаҳрор Ғуломов ўз маърузасини мамлакатнинг эртанги кунини белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган шахснинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш омилларига қаратди. Шунингдек, юртимизда юқори интеллектуал қобилиятга эга ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олишига доир масалаларни ўрганиш зарурлигини таъкидлади.

– Ушбу семинардан катта таассурот олдим, – дейди ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори Раъно Турдибоева. – Академикларнинг илмий тажрибаларидан илм-фан ривожи йўлида мана шундай самарали фойдаланиш соҳада юқори натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.
Мансур ХИММАТОВ олган сурат.



ЁШ СИЁСАТЧИЛАР КЛУБИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари иштирокида ўқув-семинарлар якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

❑ Партиялар ҳаётидан

– Ўтган уч ойлик ўқув-семинарлар давомида клуб аъзолари ўзларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашди, нотиқлик маҳоратини ўстиришди, – дейди клуб раҳбари Азиз Сатторов. – "Тенгдош тенгдошга", "Ўрган-ўргат", гуруҳ бўлиб ишлаш каби йўналишлар бўйича ўзаро фикр алмашишди, ўртоқлашишди. Жамиятимиздаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш борасида мулоқот қилишди. Шунингдек, партия маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари депутатлари билан учрашувлар, ёшларнинг жонли мулоқотлари ташкил этилди.

Якунда клуб аъзоларига сертификатлар топширилди.

Отабек ИСРОИЛОВ.

2017 йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига **обуна** давом этмоқда!

ТЎКИНЛИК МАНБАИ

Она заминнинг бизга берган имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек фойдалана олмайди. Баъзи бир жойларда каттагина майдонни ташкил этувчи томорқалар йил бўйи бўш турса, бошқа томорқа эгалари кафтдек ер билан «тиллашиб» миллионлаб даромад кўради.



❑ Томорқа – хазина

Аслида яхши меҳнат қилинса, томорқалар ва ер участкаларидан янада самаралироқ фойдаланиб, олинаётган ҳосил ва даромадларни 2-3 мартагача ошириш мумкин. Чунки, бизнинг иқлим шароитимиз йил давомида деҳқончилик қилиш имконини беради.

Янгийўл туманида ҳам томорқадан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлиги, бозорларимиз тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз кўп. Эски Қовунчи қишлоғи "Дархон" маҳалласида яшовчи 71 ёшли Нажмиддин Жўрабоев ана шулардан бири. У нафақа гаштини суриш билан бирга 4 сотихлик томорқасида иссиқхона ташкил этиб, гулчилик билан шуғулланмоқда.

– Нафақага чиққунга қадар 43 йил таълим соҳасида ишладим, – дейди Нажмиддин ота. – Мана энди томорқа билан шуғулланиб, овуниб юрибман. Бу ҳам соғлиққа, ҳам оиламиз бюджетига кони фойда. Қолаверса, набираларимни меҳнатга ўргатаман. Келиним Феруза ва набираларим менга дастёр. Ўғлим Камолиддин давлат ишида. Шундай бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ва ўсимликлар тилини тушунгани учун бўш вақтларида йўл-йўриқ ва маслаҳат бериб туради.

Томорқадаги иссиқхонада Хитой атиргули, гераннинг 5 хил тури, пальма, малачай гулларини учратиш мумкин. Тувакларга ўтқазилган гуллар бозорга олиб чиқилади ва вилоятларга жўнатилади.

Кўриниб турибдики, агар ҳар бир оила ўз томорқасидан унумли фойдаланса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини-ўзи тўла таъминлайди. Натижада, бозордан сотиб олишга кетадиган маблағни бошқа эҳтиёжларига ишлатиш мумкин. Қолаверса, ўз эҳтиёжидан ортиб қолган маҳсулотни бозорга чиқарган оиланинг моддий аҳволи янада яхшиланади.

Демак, ҳар бир оила хонадони олдидаги томорқадан унумли фойдаланса, аввало, ўша оиланинг дастурхони тўкин, унда ўсаётган авлод жисмонан соғлом бўлади, оиланинг иқтисодий аҳволи ҳам яхшиланиб, турмуши фаровонлашади. Энг муҳими, томорқада меҳнат қилиш оила аъзоларининг ўзаро аҳиллигига, меҳр-оқибатли бўлишига, шу орқали оилалар мустаҳкамлигига замин яратади.

Саодат САЙДУЛЛАЕВА.
Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Хабарингиз бўлса керак, Президентимиз таклифига биноан Паркент мамлакатимизда узумчилик соҳасидаги намунали туманга айлантирилмоқда.

УЗУМ ВА УНУМ


Шу асосда 4 минг 582 гектар ер майдони аҳоли ва фермерларга бўлиб берилди. 50 гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди. Кузга бориб, яна 1 минг 800 гектар майдонга серҳосил ток қаламчаларини ўтқазиш кўзда тутилган. Натижада, 2018 йилнинг сўнгига қадар шунинг ўзидан 10 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Дастурга асосан янгидан бунёд этилган узумзорлар тўлиқ ҳосилга киргач, 34 минг кишининг бандлиги таъминланади.

Заркентлик Зарифа Эсонова ҳам 2 гектар экин майдонига эга бўлиши билан оиласидаги 5 кишини иш билан таъминлади. Ерга эрта баҳорда узумнинг "Ризамат", "Қора ҳусайни" ва "Кишмиш" навлари қаламчаларидан ўтқазишди. Ток қатор ораларига турли сабзавот ва резаворлар экиб, парвариш қилинаяпти.

Феруза ТЎРАЕВА.

❑ Ветеринария

Давлат ветеринария хизматини такомиллаштириш – чорвачилик ривожининг ҳал қилувчи шартидир. Мустақиллик йилларида аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ, қорамол туёғи 2,4, қўй-эчки 2, парранда 1,9 баравар, гўшт етиштириш 2,8, сут 2,7, тухум 3,3 баравар кўпайди.



ЧОРВАЧИЛИК ТАШВИШ ЭМАС, ДАРОМАД КЕЛТИРСИН

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг жорий йил 1 июндаги "Давлат ветеринария хизматини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур хизмат таркибий тузилишини янада яхшилаш, унинг илмий-лабораторий, кадрлар ва моддий-техник салоҳияти самарадорлигини оширишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Вилоят давлат ветеринария бошқармаси мутахассислари "Ветеринария тўғрисида"ги Қонунга амал қилиб, асосий эътиборни жониворларни касалликлардан муҳофаза қилишга, юқумли касалликларнинг вилоят ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга, одамлар ва ҳайвонлар учун умумий ҳисобланувчи хасталиклардан аҳолини асрашга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратмоқдалар.

Бугунги кунда вилоятда 194 та зооветеринария пункти фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан аҳолига 1 миллиард 15 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Кўплаб чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида, турли мулк шаклидаги қорхона ва ташкилотларда эпизоотик ҳолат барқарорлигини таъминлаш мақсадида етмишдан зиёд чора-тадбирлар амалга оширилди. 160 мингга яқин ит ва мушук, тўрт минг бошдан зиёд маҳсулдор зотли қорамол, 330 мингдан кўпроқ бошқа чорва моллари эмланди. 500 мингдан зиёд қорамол, от, қўй, эчки ташхис кўригидан ўтказилди.

Вилоятимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари билан чегарадош. Худудимизга турли касалликлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати ветеринария-карантин назорати божхона постлари фаолиятини йўлга қўйган. Мазкур постларда соҳа мутахассислари ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорликда республикамиз ҳудудига олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган мол ва паррандаларни қатъий назорат қилишмоқда. Мамлакатимизга олиб кириляпти ёки чиқилаётган барча турдаги юк ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда зарарсизлантирилмоқда ёки йўқ қилинмоқда.

Вилоят давлат ветеринария хизмати мутахассислари вилоят бозорларида ветеринария-санитария экспертизасини ўтказмоқдалар. Санитария-эпидемиология талабларига жавоб бермайдиган гўшт ва ундан тайёрланган маҳсулотлар савдодан олинмоқда. Натижада, қорамолларда учраб турадиган энг хавфли ва тез тарқайдиган хасталикларнинг олди олинмоқда.


Ўтган йили ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларини бузган 173 жисмоний ва юридик шахсларга 12 миллион 600 минг сўм жарима солинди. Ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари мудирлари 25 кишини, ветеринария участкаси мудирлари эса 298 кишини маъмурий жавобгарликка тортдилар.

2017 йилнинг ўтган тўрт ойи давомида эса вилоят давлат ветеринария хизмати мутахассислари 70 дан зиёд эпизоотик чора-тадбирларни амалга оширдилар. Хусусан, 100 мингга яқин ит ва мушук, 350 минг бош қорамол, 316 минг қўй-эчки, 21,5 минг йилқи, 11 мингдан зиёд эшак ва шунча чўчқа қутуришга қарши эмланди.

Мутахассисларимиз чорва моллари касалланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишни ва замонавий ветеринария дори-дармонларни ишлаб чиқаришни ҳамда касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг инновацион усулларини ўзлаштиришни тизимли йўлга қўйиш, шунингдек, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу эса тармоқнинг чорва моллари соғлиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга оид фаолиятини янада юқори босқичга кўтариш имконини бераяпти.

Аҳрор ҲОШИМОВ,
вилоят давлат ветеринария инспекцияси бошлиғи.

Газета ва газетхон


Кейинги пайтлар таҳририятимизга келаётган хатлар бирмунча кўпайди. Газетхонларимиз ўз дилномаларида турмушнинг оддий икир-чикирларини эмас, ечимини кутаётган ўткир ҳаётий муаммолар ҳақида ёзишга, шу тариқа фаол фуқаролик муносабатларини намоён этишга интилишаётгани эътиборга моликдир. Яна бир туркум хатларда бирор муаммоси ҳал бўлиб, мушкули осон бўлган замондошларимизнинг самимий дил изҳорлари акс этган. Энг муҳими, уларда жамиятдаги юксалиш ва янгиланишлар маромини сезиш қийин эмас.

Қуйида таҳририят почтасига келган ана шундай мактублардан бир туркумини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

ТАҲРИРИЯТ.

ХУРШИДБЕК СОҒАЙИБ КЕТДИ

Кейинги чорак асрлик ҳаётим дориламонликда ўтиб, пенсияга чиқиб, фарзанду невералар ардоғида яшаётганимда, бошимга ташвиш тушди. 13 ёшли набирам Хуршидбек оғир дардга чалинди. Врачлар: "Донор топиб, буйрагини алмаштирмаса бўлмайди", дейишди.

Отангизга раҳмат...

Хўп, донор-ку, ўзимиздан чиқиб, ўғлим Умид фарзандига битта буйрагини жон деб берар. Лекин, жарроҳлик бехавотир ўтиб, ўғлим ҳам, набирам ҳам аввалгидек соғлом бўлиб кетишлари учун Ҳиндистонга боришни ҳамёнимиз кўтармас эди. Шу боис, озроқ сармоя тўплаш ҳаракатида юрганимизда Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушган мурожаатлар натижасига бағишлаб ўтказилаётган сайёр учрашувларда айрим фуқароларга фарзандларини чет элларда даволатишлари учун моддий ёрдам берилаётганидан хабар топдик.

Шунинг далдасида умид уйғониб, вилоятимиз ҳокими Шукурулло Бобоевга мурожаат қилдим. У киши сўзимни бўлмай, охиригача эътибор билан тингладилар ва шу заҳотиёқ вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Носировга барча керакли ҳужжатларни тайёрлашга ёрдам беришни тайинладилар ва менга: "Хотиржам бўлинг, маблағ масаласида ҳам, албатта, ёрдам кўрсатамиз", дедилар.

Бундай эътибору ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Ростини айтсам, мендек оддий меҳнат фахрийсининг шундай оғир муаммосини ҳал этиб беришганидан кўнглим бир оз бўшашди ҳам.

Ўзбекистондан эканимизни билиб, Ҳиндистонда бизни яхши кутиб олишди. Айниқса, жарроҳларнинг маҳоратига қойил қолдик. Жарроҳлик амалиётидан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас, ўғлим билан набирамга шифохонадан чиқиб, квартирада вақтинча яшаш ва муолажани охирига етказишга рухсат беришди. Учинчи ҳафта деганда, Ватанга қайтдик.

Ҳозир болаларимнинг соғлиғи жуда яхши, кўрмагандек бўлиб кетишганидан хурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Шу муносабат билан қадрдон газетамиз орқали вилоят ҳокими, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят иқтисодиёт мажмуаси раҳбарларига беминнат ёрдам берганлари учун самимий миннатдорчилик билдиришни лозим топдик.

Адҳам ТЕШАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Бўка тумани.

Огоҳлик

Юрт тинчлиги, эл фаровонлиги оиладан, маҳалладан бошланади. Шу боис, юртимизда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалла институти ваколати ва фаолиятини янада кенгайтиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

ОСОЙИШТА ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Хусусан, вилоят ҳокимининг маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид фармойишига мувофиқ жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлили, шунингдек, навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида йиғилишлар ўтказилаяпти.

Жумладан, Чиноз туманида бўлиб ўтган шундай йиғилишда вилоят ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими бошқармалари, республика Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви вакиллари, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, маҳалла фаоллари, нотинч оилалар аъзолари ҳам йиғилишга таклиф этилди.

Тадбирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳининг таркиби ва улар амалга ошираётган ишлар ҳисоботи тингланди. "Сутбулоқ", "Бирлик" ва бошқа маҳаллаларда амалга оширилган ишлар ўрганилганда бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, диний экстремистик оқимга мойил ёшлар ҳамда вояга етмаганлар ва катта ёшдагилар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида ҳисоботлар берилди ва ушбу муаммоларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар белгиланди.

Дилафруз БЕКМИРЗА қизи.

«МУШКУЛИМИЗ ОСОН БЎЛДИ»

...Мутасаддилар иштирокидаги навбатдаги сайёр қабулда Бекобод тумани аҳолисидан тушган жами 18 та мурожаатнинг 17 таси қаноатлантирилди. Аслида, ўша ягона мурожаат муаллифи Зебо Холиқованинг илтимоси ҳам қаноатлантирилиши мумкин эди. Бироқ, у сайёр қабулга келмади. Сабаби суриштирилганда, Россияга ишлаш учун кетгани маълум бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, мурожаатчилар талаб ва истаклари пайсалга солинмай, жойида ҳал этилганидан миннатдор бўлиб, сайёр учрашув охирида ташаккурнома ёзиб, тақдим этдилар. Қуйида, айрим фуқароларнинг дил сўзлари билан танишасиз.

Мурожаатдан сўнг...

Жамолиддин РАҲИМОВ,
Зафар шаҳарчаси:

– Маҳалламизда ичимлик суви эрталаб соат 7 дан кеч соат 20 гача бериларди. Нега шундайлигини ҳеч ким билмасди. Айниқса, ёзнинг узун кунларида ичимлик сувини чеклаб қўйиш аҳолига кўп қийинчиликлар туғдириши табиий. Шу боис, Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Кўп ўтмай, туман "Сувоқова" давлат унитар корхонаси ходимлари маҳалламизга келишиб, аҳволни жойида ўрганишди. Шундан сўнг тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги узилишлар ижобий ҳал этилди.

Илҳом АБДУКАРИМОВ,
Далварзин қишлоғи, Бобур Мирзо номли маҳалла:

– 2016 йилги Президент сайлови жараёнларида 271-участка сайлов комиссиясига раислик қилган эдим. Амалдаги қонунқоидага мувофиқ, шу даврдаги меҳнатим учун менга маош тўланиши лозим. Бироқ, орадан шунча вақт ўтса-да, қонуний ҳақимни ололмаётган эдим. Охири, Халқ қабулхонасига мурожаат қилишдан ўзга илож қолмади. Талабим ўринли бўлгани сабабли участка сайлов комиссияси раиси лавозимида ишлаган вақтим учун ойлик маош тўлиқ ундириб берилди.

М. ЭСОНОВ,
"Боғишамол тайёрлов-савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

– 2014 йилдан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланиб келаяпмиз. 2015 йилдан фаолиятимизни янада кенгайтириш эҳтиёжи туғилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган имконият имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида туман ҳокимлигидан яна 10 гектар қўшимча ер сўрадик. Аммо, қайта-қайта мурожаатларимиз эътиборсиз қолди. Ниҳоят, қабулхона мутасаддилари бу ишга аралашгач, туман ер ресурслари ва давлат кадастрининг 2017 йил 10 майдаги хатига асосан "Авангард" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидан 10 гектар ер ажратиб берилди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

Изҳор

Одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун энг зарур омиллардан бири тинчлик бўлса, иккинчиси саломатликдир. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар жараёнида юз берган катта ўзгаришлардан сўнг тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошди. Буни Қибрай туманидаги "Ботаника" сиҳатгоҳида дам олганимизда яна бир карра ҳис этдик.

СИҲАТГОҲГА КЕЛИБ, ДАРДЛАРИМИЗНИ УНУТДИК

Сўлим ва баҳаво сиҳатгоҳда ҳар ой республиканинг турли шаҳар ва туманларидан дам олувчилар келиб, мароқли ҳордиқ чиқаришади. Ростини айтганда, бу ерга келиб, ажойиботлар оламига кириб қолгандек бўлдик. Ҳамширалардан тортиб шифокорларгача ширин сўз, қўллари гул. Улардан даво олгач, дардларимизни унутдик.

Санаторияда дам олаётганлар учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Ётоқхоналар кенг ва шинам, даволаниш хоналари замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган. Дам олиш хоналари ва кутубхонада маънавий ҳордиқ чиқарсангиз, муҳташам маданият саройида ҳар куни концерт томоша қилиб, маданий дам оласиз.

Қўли ширин ошпазлар тайёрлаётган таомлар хилма-хил ва мазалилиги билан дам олувчиларга манзур бўлаяпти. Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари вилоятимизнинг муқаддас зиёратгоҳлари ва Чимён боғрига уюштирилаётган саёҳатлар сиҳатгоҳга ташриф буюрганлар ёдида мухрланиб қолади, десак янглишмаймиз.

Дам олувчилар:
Ш. ОЧИЛОВА, Д. НАБИЕВА,
А. БЎРОНОВ, А. ЭРКАБОЕВА.
Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги балансидаги, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимбойлиқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Агромир-Газалкент" МЧЖ ҚКнинг дам олиш маскани қўйилмоқда.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони – 1,0 Га;

қурилиш ости майдони – 229,06 кв.м.;

энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 1 500 000 000 сўм.

Балансда сақловчи: Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. Веб сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2017 йил 20 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2017 йил 4 ва 21 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ./р: 20208000904920609114; МФО 01036; ИНН 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумотлар учун телефон: (0-371) 228-80-26. Факс: (0-371) 228-80-27.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли Фармонига мувофиқ, Суд департаменти фаолияти ташкилиши муносабати билан Суд департаментининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари томонидан "Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filiali" очиқ аукцион савдоларига чиқарилган барча автотранспорт воситалари ҳамда асбоб-ускуналарнинг савдоси тўхтатилганини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефонлар: 233-49-31, 233-28-52.

Гувоҳнома № 001805.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида савдолари ўтказилган давлат активлари бўйича маълумотлар тақдим этади

Танлов савдоларида қуйидаги давлат активлари савдолари ўтказилди ва сотилди:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони
1	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устахона биноси	Ангрен шаҳри, Янгиобод кўрғони, Кончи кўчаси	18-сонли умумтаълим мактаби	350	2	50
2	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган маъмурий биноси	Олмалиқ шаҳри, "ТРЭ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	600	1,5	25
3	Собиқ 29-сонли мактаб бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	250	2	25
4	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, Ровот ҚФЙ, "Ўратепа" маҳалласи	Бўка тумани ҳокимлиги	25	1	5
5	Гараж, устахона ва омборхона бино-иншоотлари	Паркент тумани, Чанги ҚФЙ	"Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси	250	1,5	10
6	Пансионат бино-иншоотлари*	Оққўрғон шаҳри, Бирлик ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	1100	2	30
7	Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари	Юқори Чирчиқ тумани, Аргалиқ ҚФЙ, "Ободон" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1000	2	10
8	Ўзбекистон ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари	Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ ҳудуди	Зангиота тумани ҳокимлиги	150	2	5
9	Собиқ боғча биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, Тошовул ҚФЙ, Отажонов ф.х.у	Туман халқ таълими бўлими	300	2	30
10	48-сонли мактабнинг бўш турган собиқ ўқув биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, Маърифат кўчаси	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	375	2	60
11	Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски гараж биноси	Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	250	1,5	15
12	Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски паталогия биноси	Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уй	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси	100	1,5	5
13	Қурилиши тугалланмаган тураржой бино-иншооти	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/2-кичик ноҳия	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги	500,0	2	5

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик ҚФЙ ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган идора биноси Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссиясининг 2017 йил 31 майдаги йиғилиши баённомасига асосан савдолардан ечилганлиги-ни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдосига таклиф этади.

Танлов савдосига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони
1	Қурилиши тугалланмаган бино	Бўка тумани, Ачамайли ф/у, "Даштобод" МФЙ	Бўка тумани ҳокимлиги	275,0	2 йил	40
2	Фойдаланилмаётган собиқ болалар боғчаси биноси	Янгийўл тумани, Бўз сув ҚФЙ	"Умид" МЧЖнинг ижтимоий соҳа объекти	100,0	1,5 йил	10
3	Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, Майдонтол ҚФЙ, "Жамғирчи" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	550,0	1,5 йил	50
4	3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Чирчиқ шаҳри, Истиқлол боғи кўчаси, 1-уй	Чирчиқ шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази ДК	550,0	1,5 йил	15

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2017 йил 19 июль куни соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг конференция залида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2017 йил 14 июль 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда, оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

– бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция киритиш режаси;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

– талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.uz.

Савдоларга марҳамат қилинг!

❑ Шукроналик

ГАЛИЯ АЯНИНГ ҚУВОНЧЛАРИ



Эсимда, 1985-1987 йилларда Латвия пойтахти Рига шаҳрида ҳарбий хизматда бўлганимда икки ҳафтага Эстонияга сафарга жўнатишди. Ўша ерда мактабдош дўстимни учратиб қолдим. У ҳам ҳарбий хизматни ўтаётган экан. Иккимиз қучоқлаша кетдик. Кейин бир чеккага ўтиб, мириқиб суҳбатлашдик. Мактабдаги "ҳунар"larимизни эслаб кулишдик. Хайрлашаётганимизда бир гапни айтиб қолди:

– Дўстим, эртага тушда командирингдан рухсат сўраб, қисмимизга кел. "Ўзбекфильм" киностудияси ишлаган "Келинлар қўзғолони" фильмини қўйиб беришаркан.

Эртасига турли миллат вакиллари билан ёнма-ён ўтириб, кинони мириқиб томоша қилдик. Ҳатто, биласизми, бошқа миллат вакиллари ўзбекчага тушунмасада, Фармонбиби мусиқани ўчириб қўйганида, Соттининг мусиқасиз беўхшов ўйнашини давом эттирганини кўриб, роса кулишганди.

Фильм тугагач, дўстим: "Бу юртнинг бозорини бир айланмаймизми", деб қолди. Эстония бозорида ўзбек қовунларини кўриб, ҳайратландик. Биттасини сотиб олдиг-у, маза қилиб ҳидлаб, Ватан исини туйдик. Ўшанда "Киши мусофир бўлмай, мусулмон бўлмайди", деган ҳикматнинг мағзини илк бор чаққандим. Бозордан чиқаётганимизда соч-соқоли ўсган тиланчига кўзимиз тушди. У яқинроқ келиб:

– Укалар, сизлар ўзбекмисизлар? – деди.

– Ҳа, ўзбекмиз, – дедик.

– Мен ҳам ўзбекман. Бухороданман. Бойлик кўзларимни кўр қилиб, шу юртларга бошлаб келди. Ўзбекистонни жуда соғинганман. Аммо юртга қайтишдан мосувоман. Гулдек оилам, ота-онам ва яқинларимни ташлаб келганман. Ўзбекистондек юрт дунёда йўқ экан. "Ўзга юртда шоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўл", деб бекорга айтишмаган экан. Мана, қилмишимга яраша жазо олаяпман. Ўз юртимнинг эмас, ўзга юртнинг гадоси бўлиб юрибман.

У киши ўпкаси тўлиб, юм-юм йиғлади. Ўшанда Ватан туйғуси, юрт соғинчи нақадар кучли туйғу эканини яна бир бор юракдан туйганман.

Яқинда янгибозорлик Галия ая билан суҳбатлашиб қолдим. Турмуш ўртоғи Марсел отанинг ҳол-аҳволини сўрадим.

– Соғ-саломат, неваралари ардоғида қарилик гаштини суриб ўтирибди, – деди ая жилмайиб. – Биз Ўзбекистонга уруғдан кейинги тикланиш йилларида Россиянинг Оренбург вилоятидан келиб, муқим қолиб кетдик. Марсел билан шу юртда танишдик. Турмуш қуриб, икки фарзандли бўлдик, шу юртнинг ҳақиқий фуқаросига айландик. Ўзбекистон биз учун киндик қонимиз тўкилган Ватанга айланган. Марсел отангиз билан тез-тез Янгибозор деҳқон бозоридан озиқ-овқат харид қиламиз. Кечаги Янгибозор билан бугунгисини таққослаб бўлмайди. Ҳар куни ўзгариш. Юртимиздаги тинчлик, тўкинсочинликни айтмайсизми?! Тошкентга кетаверишдаги янги замонавий уйлар, мевали боғлар... Кўриб кўз қувнайди. Булар юртимиздаги тинчлик, раҳбарларимизнинг оқилона сиёсати натижасидир.

Яқинда телевизорда "21 аср фитнаси" фильмини намойиш этишди. Дунёда бўлаётган хунрезликларни кўриб, дилим хуфтон бўлди. Ватанфурушлар тарихий обидаларнинг кулини кўкка совуришмоқда. Тинч аҳолини, бегуноҳ аёллару болаларни шафқатсизларча ўлдиришмоқда. Наҳотки, ўша манфур кимсаларнинг ота-онаси, бола-чақаси бўлмаса?!

"Ватанни севмоқ имондандир", деган нақл бор. Ватанни ардоқламоғимиз, унинг гуллаб-яшнаши, тинч ва осойишталиги учун ҳар биримиз масъул эканимизни ҳис этиб яшамоғимиз лозим.

Латифжон МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

КИТОБСЕВАРЛАР ҲАФТАЛИГИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши аҳоли, айниқса, ёшларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

❑ Маҳаллада нима гап?



Аҳолининг китобга меҳр-муҳаббатини ошириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳим ва устувор вазифаларидан бирига айланди.

Айни кунларда вилоятдаги фуқаролар йиғинларида китобхонлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларни маънавий рағбатлантириш, айниқса, уюшмаган ёшларнинг китоб мутолаасига қизиқишини кучайтириш, маънавий ва мафкуравий тушунчаларини бойитиш, маҳаллалардаги ахборот-ресурс марказларида кўп китоб ўқийдиган, билимга чанқоқ ёшларни ҳамда уларнинг ота-оналари фаоллигини ошириш мақсадида "Маҳалла китобсеварлари" ҳафталиги ўтказилмоқда.

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Қибрай туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

– Мутолаа нафақат билимимизни бойитади, балки фикрлаш қобилиятимизни ривожлантиради, ҳаётга теран кўз билан боқишга, ҳамиша тўғри йўл танлашга ўргатади, – дейди маҳалланинг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Уста-Азизова. – Шу боис бугунги тадбирга маҳалламиз аҳолиси, айниқса, уюшмаган ёшлар, вақтинча иш билан банд бўлмаганларни жалб этдик.

Бу каби тадбирлар вилоят туман ва шаҳарларида июнь ойи охирига қадар давом этиши режалаштирилган. Ҳафталик мобайнида таниқли ёзувчи, шоир ва олимлар билан маҳалла аҳолиси ва ёшлари ўртасида учрашувлар, етакчи нашриётларнинг китоб савдоси, шунингдек, янги нашр этилган асарлар тақдимоти ташкил этилаяпти. Ҳафталик доирасида "Менинг биринчи китобим", "Мен севган китоб", "Мен ўқиган китоблар", "Мен нима учун севаман китобни?" ҳамда "Фахрий китобхон" мавзуларида ёшларбоп кўрик-танловлар ҳам ўтказилаяпти.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

МАҒЛУБИЯТСИЗ СЕРИЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг 13-турида вилоятимиз жамоалари – "Олмалиқ" ва "Металлург" ишончли ғалабалари билан мухлисларини хушнуд этди.

Тажрибали мураббий Виктор Кумиков бошқараётган "Олмалиқ" футболчилари саккизта учрашувдан буён мағлубиятга учрамай келаётгани боис, мухлислар кучли рақиб – "Пахтакор"га қарши ўйинда ҳам ғалабадан умидвор эди. Олмалиқлик чарм тўп усталари ҳам ўзларига бўлган ишончни оқлади. Пойтахтликлар жиддий қаршилик кўрсатганига қарамай, ўйиннинг 60-дақиқасида Раҳматулло Бердимуродов "пахтакорчилар" дарвозасини аниқ нишонга олди. Орадан ўн икки дақиқа ўтиб, Игорь Йелич ғалабани мустаҳкамлади.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси ҳам очко жамғаришда давом этмоқда. Бу гал вилоятимиз футболчилари Тошкент шаҳрида "Обод" жамоаси меҳмони бўлиб, йирик – 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Бекободликлар ҳужумчиси Зоҳид Абдуллаев учрашув қаҳрамонига айланди. Моҳир футболчимиз мезбонлар дарвозасини уч маротаба аниқ нишонга олди. Яна бир гол Аюбхон Нўъмонов ҳисобига ёзилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" – "Динамо" 2:3, "Қизилқум" – "Машъал" 2:0, "Сўғдиёна" – "Навбаҳор" – 2:1, "Шўртан" – "Насаф" 1:2, "Бухоро" – "Локомотив" 1:2.

13-тур якунларига кўра, "Олмалиқ" 22 очко билан мусобақа жадвалининг тўртинчи поғонасига кўтарилди ва совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. "Металлург" эса 14 очко билан 12-қатордан жой олган.

Кейинги турда бекободликлар ўз майдонида "Қизилқум" футболчиларини қабул қилади. Олмалиқликлар эса Наманганда "Навбаҳор" билан куч синашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ватанпарвар" ташкилоти ўқув спорт-техника клубида спортнинг техник ва амалий турларига кирувчи ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

МЕРГАНЛАР НИШОННИ АНИҚ УРДИ



Туман ва шаҳарлардан 12 та терма жамоа иштирок этган мусобақалар 15 ёшдан кичик ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилди.

Жамоавий баҳсларда вилоят техник-спорт турлари терма жамоаси ғолиб бўлди. 2-ўринни вилоят ўқ отиш спорти федерацияси, 3-ўринни Чирчиқ автомобиль мактаби терма жамоаси эгаллади.

Қайд этиш жоизки, вилоят техника спорт турлари терма жамоаси вакиллари деярли барча гуруҳларда ғолибликка эришдилар. Жумладан, жамоа аъзолари Ойбек Асилов, Мадинабону Пардаева, Рўза Аймаханова, Суҳроб Мирзажонов, Абдураҳмон Анарбоев ҳамда Бону Тиловбердиева шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ – РЕСПУБЛИКА ҒОЛИБИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар спорти мактабида 2003-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика турнири бўлиб ўтди.

Унда Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда вилоятимизнинг Бўстонлиқ, Зангиота, Ўрта Чирчиқ ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари жамоалари иштирок этди.

Иккита олтин, саккизта кумуш ва олтита бронза медални қўлга киритган боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари терма жамоаларини ортда қолдириб, ғолибликка эришдилар.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ.

БУГУНГИ ҲАВАСКОРЛАР – ЭРТАНГИ ХАЛОСКОРЛАР

Олмалиқ шаҳридаги "Металлурглар" ўйингоҳида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш ўт ўчирувчи" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада жамоалар тўсиқлар оша югуриш, нарвон билан минорага чиқиш ҳамда ёнғинни ўчириш эстафетаси шартлари бўйича ўзаро куч синашди.

Якуний натижага кўра, Олмалиқ шаҳар терма жамоаси биринчи ўринни олди. Иккинчи ўринга Чирчиқ шаҳар терма жамоаси муносиб кўрилган бўлса, учинчи ўрин янгийўллик ёшларга насиб этди. Мусобақа ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат



Рамазон ҳикмати

Темирчидан қолган тиллолар

Тўқсон олтига кирдим. Кўзим хира, қулоғим эшитмайди, оёқларимда дармон йўқ. Билмадим, бир куни қарисам, нима бўларканман?

* * *

Бу дунёга келиб, уч нарсадан ҳазар қилдим: биринчиси – тилло, иккинчиси милтиғу таппонча, учинчиси – қадаҳ. Шу учаласини қўлимга олмадим.

* * *

Темирчи бўлиб пичоқ ясамадим, қурол ясамадим. Ўроғу кашкорд ясадим – одамлар буғдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим – деҳқонлар ариқ қазиб, сув тарасин деб. Кўй-ўп капкир ясадим. Яна-чи, асов отларни тақаладим – жониворларнинг туёққиналари оғримасин деб.

* * *

Қишлоғимиздаги муфти Соли раҳматли бир гапни такрорларди. Одамизодда уч хислат бўлиши – мукаммаллик аломати экан. Булар: нутқи тома, зийнати жома, маъқули омма. Яъники, бу – нутқинг донадона, равон бўлсин, чопонинг тоза ва кўримли бўлсин, ўзинг эса ёқимли, маъқул бўл, дегани экан.

* * *

– Неъмат, бу, сан гапирган кишилар қўл остингда, жамоангда ишлайдими?

– Ҳа.

– Санга бир гапни айтаман. Эсингда тут. Бошлиқ деган ўз жамоасининг кўрпаси бўлиши керак. Яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўрпа бўлиб устини ёпсин. Наинки ҳаммага достон қилиб юрса?

* * *

– Элмурод!

– Лаббай, уста бобо?

– Сизга бир гап айтаман, ёдингизда тутинг. Қаранг, Оллоҳ Президентимизнинг кўнглига солибдики, сизга туман ҳокимлигини ишониб топшириб қўйибди. Қўлингиз истаган нарсага етади. Аввало, икки нафсга эҳтиёт бўлинг. Кейин, товуқнинг тухумини енг-у, зинҳор ўзини ейишга одатланманг. Сиздан олдингилар нафақат товуқнинг ўзини, балки эгасини ҳам қўшиб еб юборганлар. Кўриб турибсиз-ку уларнинг аҳволини...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат АМИНОВнинг "Бир аср ҳикояти" китобидан олинди.

❑ Ҳайрат

МЕҲР МЎЪЖИЗАСИ

Уйини янгитдан безашни истаган бир япон тахта деворнинг битта томонини олиб ташлади. Японларнинг уйларидаги деворлар одатда тахта ёки гипсдан ишланади, иккитаси ёнмаён қўйилади ва ўртага озгина бўш жой ташланади. У деворнинг биринчи қисмини бузиб олгач, бўш жойда оёғини мих қисиб қолган калтакесакни кўриб, ҳайрон бўлди. Чунки, бу мих тахминан ўн йилча олдин, уй қурилишида қоқилган. Шунча вақт давомида бу калтакесак ҳеч ерга қимирлай олмай қандай яшаб қолди экан? Қоронғи девор орасида ўн йил жойидан жилмай яшаганига ишонгиси келмасди.

Одам бошқа ишларини ташлаб, калтакесакни кузата бошлади. Шунда қаердандир бошқа бир калтакесак пайдо бўлди. Оғзида егулик олиб келиб, михга қисилган шеригига берди. Бу манзарани кўриб турган киши ҳайратдан ёқасини ушлади. Наҳотки? Ахир, мавжудотнинг энг мукаррами, энг ақллиси бўлган одам оиласидан, яқинларидан меҳр-муҳаббатини аяб турган замонда қандайдир бир калтакесак михга қисилиб, яримжон бўлиб қолган шеригини ташлаб кетмаса? Бу қандай меҳр, қандай севги бўлди?

Ориф ТОЛИБ тайёрлади.

СЎПИЕВНИНГ ҲИСОБОТИ

Ҳажвия



Маош бериладиган касса. "Пул саналаётганда халақит берманг", деган ёзув.

Ходимлар рўйхатга қўл қўйиб пул олмоқдалар. Улардан бири дасталанган бир ҳовуч пулни олиб салмоқлаб кўради. Бошини сараксарак қиладию, кассадан узоқлашади.

Кассага Сўпиев яқинлашади.

– Ассалому алайкум, холажон, бой бўладиган кунимиз экан-да, а!

Сўпиев рўйхатда йўқ, унга пул ёзилмаган.

– Нега ёзилмаган? – жанжал кўтаради Сўпиев, – кечани кеча, кундузни кундуз демай ишласам, нега ёзилмас экан?

– Мен қаёқдан билай, бошлиққа учрашинг, – дейди кассир аёл парво ҳам қилмай.

Сўпиев бошлиқ хонасига ҳаяжон билан кириб боради. Бошлиқ бош ҳисобчини чақиради.

– Хўш, – дейди бошлиқ муғамбирона, – ўртоқ Сўпиевга нима учун маош ёзмадингиз?

– Ўртоқ Сўпиев уч кунлик командировкага кетиб, роппа-роса ўн кунда қайтиб келди, – жавоб беради бош бухгалтер. – Топшириқ бажарилмаган. Бунинг устига...

– Нима, бунинг устига, – дейди бошлиқ.

– Мана, ўртоқ Сўпиевнинг ҳисоботи, – бош ҳисобчи шундай деб стол устига бир даста ҳужжатларни қўяди. Бошлиқ уларни кўра бошлайди.

– Энди, хўжайин, шунақа бўлиб қолди-да...

– Нима бўлиб қолди?

– Шу десангиз, шошилиб поезд паттасини уйда қолдириб кетибман. Поездга паттасиз чиққансан, деб жарима солишди.

– Шунақа денг, майли, аммо мана бунисига баҳона тополмасангиз керак?

– Ие, ўртоқ Сўпиев, ҳаммаси жарима бўлиб кетибди-ку?

Сўпиев бирдан мулойимлашади.

– Шунақа денг, унда мана буниси нима?

– Хўжайин, шу десангиз, бегона шаҳар эмасми, йўлдан шундоқ ўтаётган эдим, инспектор келиб: "Ўртоқ, йўл ҳаракати қоидасини буздингиз", дея жарима солса бўладими?

– Э, хўжайин, нимасини айтасиз, омадинг бир кетмасин экан. Кечаси чой ичадиган одатим бор. Чой ичмасам, бошим тарс ёрилиб кетади. Шу десангиз, кечаси чой қайнатиб ичмоқчи бўлдим. Чойни қўйибману ухлаб қолибман. Озроқ ёнғин чиқиб денг... Йўқ, йўқ, катта талафот бўлгани йўқ. Барака топгур, ўт ўчирувчилари хўп азамат йигитлар экан, бирпасда тинчитишди-қўйишди. Бор будимни тўладим, қолганига тилхат ёзиб бердим.

– Хўп, бунисини ҳам тасодиф дейлик, ўртоқ Сўпиев, мана бунисига бало борми?

– Қайсиниси хўжайин? – Сўпиев ҳужжатни қўлига олади ва бирдан яйраб кетади.

– Э, хўжайин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, маст эмас эдим. Ҳушим жойида эди. Бирдан танца бошланиб қолса бўладими? Биттаси назаримда, мени таклиф қилгандай бўлди. Ўртага тушиб энди белига қўлимни қўйганимни биламан, барзанги хуштори ёнида экан, ҳе йўқ, бе йўқ, ҳақорат қилди. Қўлим билан тушунтирмоқчи эдим, у фаросатсиз тушунмай, юзимга тарсаки тортворди. Қараб туролмадим. Аммо хўжайин, бу ёғини қойил қилдим.

– Нимани қойил қилдинг, Сўпиев?

– Нимани бўларди, хўжайин, ўн кун станцияда кўмир туширдим. Виждонан ишладим. Баъзиларга ўхшаб ишдан қочмадим.

– Ҳой, Сўпиев, ҳаммаёқни расво қилибсан-ку. Ҳатто камандировка варақасига муҳр ҳам бостирмай келибсан-а?

– Э, хўжайин, шунисига келганда айбдорман. Бўйнимга оламан. Шошилиб Наманган поездига ўтираман деб, Қаршига кетворибманда. Ўлай агар...

– А?..

Аҳмад ОҒА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9317. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.50.